

ҲУКМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил декабрь ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи А.Миножиддинов, С.Абдуманноновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бувайда туман прокурори ёрдамчиси С.Акбаров, судланувчи Х.Худойназаров ва унинг ҳимоячиси - Фарғона вилоятидаги “Farg’ona adolat kuchi” адвокатлик бюроси адвокати Б.Ганиев, фуқаровий даъвогар П.Ҳайдаровнинг иштирокида, Худойназаров Хаётжон Позилжоновичга нисбатан 1-1501-2301/261-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Худойназаров Хаётжон Позилжонович - 1994 йил 4 февралда Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Бувайда туманидаги “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаган, Бувайда тумани, Додхо маҳалла фуқаролар йиғини, Боғи-Бобур кўчаси, 38-уйда яшаган, қамокқа олиш эҳтиёт чораси қўлланиб, 2023 йил 21 августдан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 29 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Х.Худойназаров “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг 2020-2022 йиллардаги фаолияти бўйича солиқ идораларига тақдим қилган ҳисоботларида товар айланмасини 6.006.830.100 сўмга камайтириб кўрсатиб, 13.638.300 сўм айланмадан олинadиган солиқ, 795.467.700 сўм қўшилган қиймат солиғи ва 438.376.200 сўм фойда солиғи, 231.046.600 сўм жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, жами 1.478.528.800 сўм жуда кўп миқдордаги солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, Х.Худойназаров “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаши давомида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги



264-сонли, 2022 йил 5 августдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 2011 йил 17 ноябрдаги “Фиксал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарорлари талабларини бузиб, 6.158.046.000 сўмлик товарларни нақд пулга сотиб юбориб, назорат касса машинасига кирим қилмасдан, банк муассасасига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Судланувчи Х.Худойназаров судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, суддан енгиллик берилишини сўради.

фуқаровий даъвогар П.Ҳайдаровнинг судда, Бувайда туман Давлат солиқ инспекциясида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш шўъбаси бош инспектори бўлиб ишлаши, иш ҳолатига кўра “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Худойназаров жамият томонидан 2021-2022 йиллар давомида амалга оширилган товар айланмасини ҳисоботларда 6.159.500.000 сўмга камайтириб кўрсатиб, 343.300.000 сўм қўшилган қиймат солиғи ва 529.200.000 сўм фойда солиғи, жами 872.500.000 айбловда бошқа, сўм солиқ тўловларини яширганлиги ҳамда маҳсулотлар сотувидан тушган 2.631.800.000 сўм нақд пуллари назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкдаги ҳисоб-рақамига топширмагани аниқлангани, ҳозирда аниқланган моддий зарар қопланмагани сабабли мазкур моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни сўраши ҳақидаги;

гувоҳ М.Абдумаликовнинг судда, Бувайда туман прокуратурасининг ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатларнинг аслини олиш ҳақидаги қарорига асосан “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамиятининг 2020-2022 йиллардаги фаолияти юзасидан ўтказилган тафтишда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга 1.532.941.900 сўм қўшимча ва 54.413.100 сўм камайтиришга, якуний 1.478.528.850 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга қўшимча ҳисоблангани, жумладан жамият томонидан айланмадан олинadиган солиғи бўйича тақдим қилган ҳисоботларида солиқ солиш базасини 340.958.000 сўмга камайтириб кўрсатгани учун 13.638.300 сўм айланмадан олинadиган солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи бўйича тақдим қилган ҳисоботларида солиқ солинадиган базани 2022 йилда 5.665.872.100 сўмга камайтириб кўрсатганлиги сабабли қўшилган қиймат солиғига 849.880.800 сўм, фойда солиғи базасини 2021 йилда 2.908.342.400 сўмга, 2022 йилда 14.165.400 сўмга жами 2.922.507.800 сўмга камайтириб кўрсатилгани сабабли фойда солиғига 438.376.200 сўм, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича 2021 йил учун 163.536.800 сўм, 2022 йил учун 67.509.800 сўм жами 231.046.600 сўм, умумий 1.532.941.900 сўм қўшимча тўловга ҳисоблангани, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрь кунги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарорига зид равишда харидоргир товарларни сотишдан тушган жами 6.158.046,0 минг сўм нақд пул маблағлари назорат



касса машинаси ва унга тенглаштирилган қатъий ҳисобда турувчи квитанцияларга кирим қилинмасдан банк муассасларига топширилмагани аниқлангани, Х.Худойназаров томонидан ўтказилган аудит текшируви хулосаси билан танишиб чиққанида, жамият омборида 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 1.689.752.700 сўмлик, 2022 йил 31 декабрь ҳолатига 3.129.816.600 сўмлик товар моддий бойликлари қолдиғи мавжудлиги кўрсатилган бўлиб, ўзининг текширишида эса жамият раҳбари томонидан берилган тушунтиришда омборида ушбу товар моддий бойликлари қолдиғи мавжуд эмаслиги сабабли ушбу товарлар жамият реализациясига олиниб, белгиланган тартибда солиқ тўловлари ҳисоб-китоб қилингани, бундан ташқари, ўтказилган аудит хулосасида жамият банк корпоратив картаси орқали сотиб олган махсулотлар жамиятнинг материал ҳисоботларига кирим қилингани инобатга олингани, “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомда эса, корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда тўлаш учун сарф қилинаётган пул маблағлари корпоратив банк картасининг сақловчисига ҳисобдорлик шarti билан бериладиган, қатъий тарзда белгиланган мақсадларга ишлатиладиган маблағлар бўлиб ҳисобланиши, корпоратив банк картасининг сақловчиси уни ҳисобдорликка олган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмаган ҳолда корпоратив банк карталари воситасида ишлатилган суммалар тўғрисида юридик шахснинг бухгалтериясига ҳисобот тақдим этиши шартлиги кўрсатилгани, текширишда банк корпоратив картаси орқали сарфланган маблағлар юзасидан асословчи ҳужжатлар тақдим қилинмагани натижасида ушбу махсулотлар жамиятнинг материал ҳисоботларига кирим қилинмасдан жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланиб, белгиланган тартибда солиқлар ҳисоб-китоб қилингани, бу масалада аудитор билан гаплашганида, жамият бухгалтерия ҳужжатларини жамиятда мавжуд ҳужжатлар асосида қайта тиклаш ишларини амалга оширгани ва аниқланган ҳолатлар юзасидан жамиятга қайта ҳисоботлар тақдим қилиш юзасидан тавсия берилганини маълум қилгани, жамият фаолиятида ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида аниқланган тафовутларни ихтиёрий бартараф этиш юзасидан жамиятга бошқарманинг 20/1-43857-сонли қарори қабул қилиниб, 2022 йил 7 апрелда шахсий кабинетга юборилгани, жамият фаолиятида ўтказилган тафтиш бошланишидан олдин жамият раҳбаридан олинган тушунтириш хатида текшириш кунига жамиятнинг омборида товар моддий бойликлари қолдиғи мавжуд эмаслиги тўғрисида тилхат олингани, жамият томонидан солиқ органига тақдим қилган электрон шаклда расмийлаштирилган ҳисоб вароқ фактураларга асосан жамият томонидан кирим қилинган ва реализация қилинган махсулотлар таҳлил қилинганда жамиятда товар моддий бойликлари қолдиғи қолиши лозимлиги, ушбу махсулотлар ҳақиқатда мавжуд эмаслиги ва электрон ҳисоб вароқ фактуралар расмийлаштирилмагани ҳамда махсулотлар учун жамиятнинг банк ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушмагани сабабли нақд пулга реализация қилинган деб баҳолангани, жамият фаолияти юзасидан ҳужжат тафтиш жамият расмийлаштирган ва контр агентлар томонидан



тасдиқланган барча электрон шаклдаги электрон ҳисоб вароқ фактуралар инобатга олинган ҳолда ўтказилгани, ҳисобга олинмаган электрон ҳисоб вароқ фактуралар мавжуд эмаслиги, текшириш қамраб олинган даврда Х.Худойназаров раҳбар бўлиб, солиқ қарздорлиги даври учун ҳам у жавобгар ҳисобланиши ҳақидаги;

гувоҳ А.Жўраевнинг судда, Фарғона вилоят Давлат Солиқ бошқармаси Камерал солиқ текширувлар шўъбаси инспектори бўлиб ишлаган вақтида “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамиятининг 2020-2022 йиллардаги фаолияти юзасидан вилоят Солиқ бошқармасининг 2022 йил 11 апрелдаги 20/1-00544КТ-сонли ҳамда 2022 йил 18 май кунги 20/1-01102КТ-сонли буйруқларига асосан 2022 йил 11 апрелдан 2022 йил 9 июнга қадар камерал солиқ текшируви ўтказгани, текширишда 2022 йил 14 март куни 20/1-22998-сонли сўровномаси асосида солиқ тўловчидан 2021 йил январь-декабрь ва 2022 йил январь-март ойларидаги бухгалтерия ҳисоб-реестрлари ва солиқни ҳисоблаб чиқаришга асос бўлган барча ҳисоб рақамидаги айланмалар тўғрисидаги маълумотлар, солиқ ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотлар, текширилаётган даврда сотиб олинган ва сотилган товарлар ҳисоботи, текшириш куни ҳолатига омбордаги товарлар қолдиғи сўралган бўлиб, сўровномага жамият томонидан ҳужжатларни солиқ қонунчилигида белгиланган муддатда тақдим қилиниши тўғрисида 2022 йил 20 март куни жавоб хати берилгани, бироқ ҳеч қандай ҳужжатлар тақдим қилинмагани, жамиятнинг 2021 йилдаги фаолияти бўйича қабул қилган ҳисоб-вароқ фактуралари ва реализация қилган ҳисоб вароқ фактуралари таҳлил қилинганда 4.534.866.093 сўмлик махсулот кирим қилиниб, 2021 йил апрель-декабрь ойларида 3.871.179.035 сўмлик реализация қилингани аниқлангани, жамият томонидан 2021 йил ҳисобот даврида 3.652.215.154 сўмлик товар қолдиғи мавжудлиги ва 2.988.508.096 сўмлик махсулотларни кирим ҳужжатларсиз реализация қилгани, жамият томонидан тақдим этилган бирламчи бухгалтерия баланси ҳисоботида йил якунига 2.456.000.000 сўм қолдиқ товар кўрсатилгани аниқланиб, балансда кўрсатилган қолдиқ товар чегирилганида 1.196.215.154 сўмлик солиқ базаси яширилаётгани ва нақд пулга сотиб юборилгани натижасида белгиланган 15 фоизлик ставка бўйича 156.028.063 сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмай қолаётгани ҳамда кирим ҳужжати мавжуд бўлмаган махсулотлар реализация қилингани натижасида ушбу сотилган махсулотларни жамият даромади деб топилиб, белгиланган 15 фоизлик ставка бўйича 448.276.214 сўм фойда солиғи яширилаётгани аниқлангани, шунингдек, жамиятнинг 2022 йил январь-март ойлари фаолияти таҳлил қилинганда, 1.437.816.705 сўмлик махсулотлар харид қилингани ва 541.351.255 сўмлик махсулотлар реализация қилингани аниқланиб, жамият томонидан 2022 йил ҳисобот даврида 1.435.595.897 сўмлик товар қолдиғи мавжудлиги ва 539.130.446 сўмлик махсулотларни кирим ҳужжатларсиз реализация қилгани аниқлангани, жамият мазкур йил якуни бўйича бирламчи бухгалтерия баланси ҳисоботи тақдим этилмагани сабабли таҳлил давомида аниқланган 1.435.595.897 сўмлик товар қолдиғи нақд пулга сотиб юборилгани ва солиқ



базаси яширилгани натижасида белгиланган 15 фоизли ставка бўйича 187.251.638 сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолаётгани, жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича кирим ҳужжати мавжуд бўлмаган махсулотлар реализация қилингани натижасида сотилган махсулотлар жамият даромади деб топилиб, белгиланган 15 фоизли ставка бўйича 80.869.767 сўм фойда солиғи яширилаётгани аниқлангани, оқибатда жамиятнинг 2021-2022 йилдаги фаолияти бўйича солиқ ҳисоботида солиқ солиш базасини 2.631.811.051 сўмга камайтириб кўрсатилиб, 343.279.702 сўм қўшилган қиймат солиғи ва 529.145.781 сўм фойда солиғи, умумий 872.425.483 сўм солиқлар ҳисобланмасдан ва тўланмасдан қолаётганлиги ҳамда махсулотлар сотувидан тушган 2.631.811.051 сўмлик махсулотлар нақд пулларга назорат касса машинасига кирим қилинмасдан банк ҳисоб рақамига топширмаганлиги аниқлангани, сўнг 2022 йил 30 майда Х.Худойназаровга жамиятни 2021-2022 йиллардаги фаолияти бўйича 872.425.483 сўм солиқларни ҳисоботларда акс эттириб, тўлаши юзасидан маълум қилингани, бироқ Х.Худойназаров томонидан 10 кунлик муддатда қайта ҳисобот ёки асослангандирган ҳужжатлар тақдим этилмагани ёки солиқ тўловлари тўланмагани, текшириш муддати талабнома берилгунга қадар бузилмагани, фақат текшириш якуни бўйича баённома ва қарор тузилиши ўртасида муддат 5 кундан ўтган бўлиши мумкинлиги, шундай бўлса-да, солиқлар тўғри ҳисоблангани, Х.Худойназаров томонидан текшириш даврига қадар ёзилган электрон ҳисоб варақ фактураларни тўлиқ кўриб чиқиб, текширишда ҳисобга олгани ҳақидаги;

гувоҳ Ф.Абдуқодировнинг судда, “Комплекс қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб ишлаб келиши, жамияти қурилиш таъмирлаш ишлари билан шуғулланиши, “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Худойназаров билан савдо алоқасини амалга оширгани, яъни тахминан 2021 йилда Х.Худойназаровни жамиятидан шартнома асосида 30.000.000-40.000.000 сўмлик атрофида сантехника буюмлари, цемент ва алебастр ва бошқа қурилиш махсулотларини олиб, пуллари ўтказиш йўли билан тўлагани, шартномаларни Х.Худойназаровни ўзи тузиб, имзолаб, муҳр қўйиб бергани ҳақидаги;

гувоҳ А.Абдулазизовнинг судда, 2019 йил декабрь ойидан “Grand green trade” масъулияти чекланган жамиятини фаолиятини юритиб келиши, шунингдек 2013 йилдан 2020 декабрь ойига қадар “Қимматхон дизайн” оилавий корхонасини ҳам бошқаргани, “Қимматхон Дизайн” оилавий корхонасини фаолиятини бошқариб юрган вақтида 2020 йилда Х.Худойназаровга тегишли “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти билан савдони амалга ошириб, шартнома асосида Х.Худойназаровнинг жамиятига 127.000.000 сўмлик тикув машиналарини етказиб бергани, бу масалада фақат Х.Худойназаров билан гаплашган бўлиб, Х.Худойназаров шартнома ва юк хатларига ўзи имзо қўйиб, муҳр уриб бергани, сўнг етказиб берган тикув машиналари учун унга пулини ўтказиб бергани ҳақидаги;



гувоҳ А.Абдуллаевнинг судда, Қўкон шаҳридаги “Монс игнеус” масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб ишлаб келиши, 2021 йил 16 ноябрда “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Худойназаровдан 20.800.000 сўмга техника ва дастгоҳлар резина камарини шартнома асосида сотиб олиб, пул ўтказиш йўли билан ҳисоб китоб қилгани, шартномаларни Х.Худойназаровни ўзи билан тузгани, шартномага ўзи имзо қўйиб, жамият мухрини уриб бергани, жамиятдаги бошқа бирор шахс билан гаплашмагани ҳақидаги;

гувоҳ Б.Абдусаидовнинг судда, 2021 йилдан Бешариқ туманидаги “Кўркам Сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб ишлаб келиши, жамият савдо дўконида аҳолига маиший техника сотиш билан шуғулланиши, 2021 йил апрель ойида “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Худойназаров билан шартнома тузиб, 3 та шартнома асосида 118.000.000 сўмга 3 та нон ишлаб чиқариш печи ва 3 та шарбат сув аппаратини сотиб олгани, сўнг пул ўтказиш йўли билан ҳисоб китоб қилгани, шартномаларни Х.Худойназаровни ўзи тузиб, имзолар ва муҳр босиб бергани, махсулот етказиб берилиши бўйича ҳужжатлар онлайн расмийлаштирилиб, Х.Худойназаров билан дастлаб кўришиб, нархларни келишиб олгани ҳақидаги;

гувоҳ Х.Исмоилованинг судда, 2020 йил сентябрь ойидадан 2023 йил март ойига қадар Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш Бувайда туман бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишлагани, 2021 йил декабрь ойида ишлаши давомида компьютер техника воситаси олиш учун биржа савдоларига эълон берганида, танловда “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти ғолиб бўлиб, жамият раҳбари билан 3.000.000 сўмга онлайн шартнома тузилгани, шундан сўнг Х.Худойназаров уларга компьютер жамланмасини олиб келиб берганида жамиятга пул ўтказиб берилгани ҳақидаги;

гувоҳ Р.Кенжаевнинг судда, АТБ “Универсалбанк” Бувайда филиали бош ҳисобчиси лавозимида ишлаши, Бувайда туманида давлат рўйхатидан ўтган “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти 2018 йил 2 майда уларни банкида ҳисоб рақам очиб, хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилгани, дастлаб жамият раҳбари сифатида Д.Собуров кўрсатилиб, 2020 йил 5 сентябрда Х.Худойназаров томонидан жамиятга раҳбар этиб тайинлангани тўғрисида буйруқ тақдим қилингани сабабли, биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи Х.Худойназаровга ўтказилгани ҳақидаги;

гувоҳ Д.Мадумаровнинг судда, Бувайда туманида рўйхатдан ўтган “Square Universal Business” масъулияти чекланган жамиятини юритиб келиши, жамият товарларларни улгуржи савдоси билан шуғулланиши, Х.Худойназаров раҳбари бўлган “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти билан турли оргтехника товарлари ва эҳтиёт қисмлари ҳамда хўжалик товарлари олиш учун 6.000.000 сўмга 129-сонли шартнома тузилгани ва шартномага асосан 2.500.000 сўмлик савдо амалга оширилиб, товарлар етказиб берилгани, шартномани Х.Худойназаров тузиб, ўзи имзолаб ва мухрини қўйиб бергани, ушбу жамият бўйича бошқа шахс билан гаплашмагани ҳақидаги,



гувоҳ Д.Сабуировнинг судда, “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, 2020 йил 5 сентябрь кунига қадар фаолиятини юритгани ва металл ишлови билан шуғуллангани, сўнг жамиятни йиғилиш қарори ва буйруқ асосида Х.Худойназаровга ўтказиб бергани ва жамиятнинг кейинги фаолиятига аралашмагани, жамият ундан кейин қандай фаолият билан шуғулланганини билмаслиги ҳақидаги;

гувоҳ Б.Шохобиддиновнинг судда, илгари “Elite group 777” хусусий корхонасини юритиб келгани, тахминан 2020 йил ёз фаслида “Grand universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Худойназаров билан гаплашиб, шартномага асосан жамиятидан 12 дана 40.000.000 сўмлик тикув машиналарини олгани, шартномаларни Х.Худойназаровни ўзи тузиб, имзолаб, муҳр қўйиб бергани, сўнг етказиб берилган товарлар учун пулни ўтказиб бергани ҳақидаги;

шунингдек, камерал солиқ текшируви далолатнома ва хулосаси (1-жилд и.в.63-69), текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (1-жилд и.в.215-244) ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Судланувчи Х.Худойназаров айби қайд этилган инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, ушбу важлар жавобгарликдан қутулиш мақсадида берилган кўрсатувлар сифатида танқидий баҳолайди.

Судланувчи Х.Худойназаровнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш тушунилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Х.Худойназаров “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг 2020-2022 йиллардаги фаолияти бўйича солиқ идораларига тақдим қилган ҳисоботларида товар айланмасини 6.006.830.100 сўмга камайтириб кўрсатиб, 13.638.300 сўм айланмадан олинadиган солиқ, 795.467.700 сўм қўшилган қиймат солиғи ва 438.376.200 сўм фойда солиғи, 231.046.600 сўм жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, жами 1.478.528.800 сўм жуда кўп миқдордаги солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Бундан ташқари, Х.Худойназаров “Grand Universal Business” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаши давомида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги



“Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 264-сонли, 2022 йил 5 августдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 2011 йил 17 ноябрдаги “Фиксал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарорлари талабларини бузиб, 6.158.046.000 сўмлик товарларни нақд пулга сотиб юбориб, назорат касса машинасига кирим қилмасдан, банк муассасасига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жинойт кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этилган Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи Х.Худойназаровга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахси, муқаддам судланмагани, оилали, 2 нафар фарзанди борлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини инobatга олиш билан бир қаторда иш бўйича моддий зарар қопланмаганини ҳисобга олиб, айбланган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, прокурорнинг даъво аризаси ва иш бўйича моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Х.Худойназаровдан Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси фойдасига 1.478.528.800 сўм моддий зарар ундириб, даъво аризани қаноатлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, камерал солиқ текшируви далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни жинойт иши билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Худойназаров Хаётжон Позилжонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Худойназаров Хаётжон Позилжоновичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми, 61-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан билан қоплаш йўли орқали узил-кесил 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларида ўталсин.

Жазо ўташ муддати 2023 йил 21 августдан ҳисоблансин.

Худойназаров Хаётжон Позилжоновичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Х.Худойназаровдан Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси фойдасига 1.478.528.800 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, камерал солиқ текшируви далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

А.Миножиддинов

нусхаси аслига тўғри

А.Миножиддинов

